УДК: 616.711-007.43-089.-07

РЕЦИДИВЛАНГАН ДИСК ЧУРРАСИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Мамажонов Бохадир Солижанович - т.ф.д., профессор
Андижон давлат тиббиёт институти (Андижон, Ўзбекистон)
Қодиров Давронбек Рустам ўғли - мустақил тадқиқотчи
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти (Фарғона, Ўзбекистон)

Аннотация: *Диск чурраларини рецидивланиши асосан, чурра таркибидаги коллаген ва ретикуляр толаларнинг давомли дезорганизацияси ва фиброз ҳалқа периметридаги 3-тип коллаген толаларнинг емирилиши билан давом этади. Айнан, фиброз ҳалқа бутунлигида давом этувчи дезорганизация мезенхимал тўқима таркибида нордон мукополисахаридлар синтезининг кучайиши, гистиоцитлар, фибробластларни шу сохаларда пролифератив фаоллигининг ошиши оқибатида, коллаген толали тузилмалардан иборат диск компонентларида фибросклероз, оралиқ шишлар, остеофитлар пайдо бўлиши билан давом этади. Дирилдоқ ядрода дистрофик дегенератив жараёнлар, дезорганизацияга учраган толаларнинг титилиши ва емирилишига оид ўзгаришларга учрайди.*

Калит сўзлар*: Морфология, диск чурраси, рецидив, дезорганизация.*

МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ РЕЦИДИВИРОВАННОЙ ГРЫЖИ ДИСКА

Мамаджонов Боходир Солижанович - д.м.н., профессор
Андижанский государственный медицинский институт (Андижан, Узбекистан)
Кадыров Давронбек Рустам угли – самостоятельный соискатель
Ферганский медицинский институт общественного здоровья (Фергана, Узбекистан)

Аннотация: *Рецидив грыж диска в основном сопровождается длительной дезорганизацией коллагеновых и ретикулярных волокон в составе грыжи и разрушением коллагеновых волокон 3 типа на периметре фиброзного кольца. Именно, продолжающаяся дезорганизация фиброзного кольца сопровождается усилением синтеза кислых мукополисахаридов в мезенхимальной ткани, повышением пролиферативной активности гистиоцитов, фибробластов в этих областях, появлением фибросклероза, промежуточных отеков, остеофитов в компонентах диска, состоящего из коллагеноволокнистых структур. В дрожащем ядре наблюдаются дистрофические дегенеративные процессы, изменения, связанные с разрывом и разрушением дезорганизованных волокон.*

Ключевые слова: *Морфология, грыжа диска, рецидив, дезорганизация.*

MORPHOFUNCTIONAL ASPECTS OF RECURRENT DISC HERNIAS


Mamajonov Bokhadir Solijanovich - D.M.Sc., professor
Andijan State Medical Institute (Andijan, Uzbekistan)
Qodirov Davronbek Rustam ogli - independent researcher
Fergana Medical Institute of Public Health (Fergana, Uzbekistan)

Abstract: *Recurrence of disc hernias is mainly accompanied by prolonged disorganization of collagen and reticular fibers in the hernia composition and destruction of type 3 collagen fibers in the perimeter of the fibrous ring. It is precisely the continued disorganization of the fibrous ring that is accompanied by increased synthesis of acidic mucopolysaccharides in the mesenchymal tissue, increased proliferative activity of histiocytes and fibroblasts in these areas, fibrosclerosis, intermediate edema, and the appearance of osteophytes in the disk components consisting of collagen-fibre structures. The ciliated nucleus undergoes dystrophic degenerative processes, changes in the breakdown and destruction of disorganized fibers.*


Keywords: *morphology, disc herniation, recurrence, disorganization.*

Кириш. Дунёда умуртқа поғонасининг дегенератив касаллиги умуртқа поғонасини рецидивланишини ёшга доир ўзгаришлари таянч-ҳаракат тизими дегенератив касалликлари орасида биринчи ўринда туради ва тарқалиши бўйича ўртача даражаси 54,75% ни ташкил қилади. Ушбу патология билан дунёнинг барча давлатлари АҚШ ва Европада ўртача 45-60 ёшлилар орасидаги контингентни 41,2% ни ташкил этса, Россия Федерацияси ва МДХ давлатларида ушбу кўрсаткич 67,8% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич жуда юқори бўлиб, меҳнатга лаёқатли қатламнинг тенг ярмини ташкил этади. Бу касаллик ривожланган давлатлар ва ривожланаётган учинчи давлатларда учраши бўйича бир хил темпда тарқалган. Ўртача йилига меҳнатга лаёқатлилик кўрсаткичини йўқотиш бўйича умуртқа поғонасининг рецидивланган чурраси бўйича, давлат қарамоғида ногиронлик нафақаси билан таъминланадиган энг катта контингент 2022 йил бўйича 40,81% ни ташкил этган. Жуда кўплаб кўрсатмалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқарилишига қарамасдан, умуртқа поғонаси диск чурраларини рецидивланиши ҳанузгача юқори кўрсаткичларда қолмоқда. Жумладан, мамлакатимизда йилига ўртача 238 мингта умуртқа поғонаси чурралари бўйича жарроҳлик амалиётлари бажарилиб, ўртача сарф-харажат 1,3 трлн сўмни ташкил этади.


Муҳокама ва натижалар. Умуртқа бел соҳаси диск таркибида шаклланган протрузиясида юзаки ва кучли деструкцияга олиб келадиган дистрофик ва дегенератив ўзгаришлар ривожланади. Бу патоморфологик ўзгаришларнинг давом этиши қайтмас дезорганизацияга, асосан фиброз ҳалқадаги деструктив ва яллиғланишли жараёнлар, деструктив ўзгарган дирилдоқ ядронинг фиброз ҳалқага ўсиб кириши ва клиник морфологик жиҳатдан уни ёриб ташқарига чиқишига сабаб бўлиши юзага келади. Эслатиб ўтамиз, рецидивланган диск чурралари таркибидан олдиндан шаклланган ва хаотик жойлашган толалари тузилмалар оралиғида фибросклерозга учраган тўқиманинг қайта дезорганизацияси натижасида, шаклланган дағал бириктирувчи тўқима ва қайта тикланган диск дирилдоқ моддаси оралиғида қайта шаклланган чандиқ тўқимаси, оралиқ моддада нордон табиатли гликозаминогликанларни тўпланиши ва коллаген толаларнинг қайта титилишига олиб келади. Натижада, кўп холларда ушбу соғлом ва чандиқланган дирилдоқ тўқимаси оралиғида кескин морфофункционал фарқларнинг бўлиши, диск фиброз тўқимасининг қайта рецидивланишига ва юмшоқ консистенцияни бўғим юзасидан ташқарига силжитиши билан намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, айнан рецидивланган диск чурраларини даволашда толали тузилмаларни қайта тиклашга қаратилган доривор моддаларни қўллашни тақозо этади. Жумладан, нейтрал гликозаминогликанларни маҳаллий қўллаш дик чурраси таркибидаги нордон муҳитни камайишига ва дезорганизация ўчоғини кичиклашишига олиб келиши билан характерланади.



1-Расм. **Рецидивланган чурра фиброз тўқимаси таркибида дағал коллаген толаларга бой бўлган бириктирувчи тўқима таркибида такомил топган оралиқ шишлар. Коллаген толалар оралиғида деструкция ва дефрагментация ўчоқлари аниқланади. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 10х10.**




2-Расм. **Рецидивланган чурра фиброз тўқимаси таркибида дағал коллаген толаларнинг тўлқинсимон котрактурага учраган ўчоқлари. Айнан мана шу контрактурага учраган толалар оралиғида фрагментация ва дезорганизация ўчоқлари шаклланган. Оралиқ шишлар шаклланган соҳаларда коллаген тола тутамларининг ўзаро коллатерал анастамозлари тўри бузилган ўчоқлари аниқланади. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 10х10.**




3-Расм. **Рецидивланган чурра фиброз тўқимаси текстурасида Z-симон кўринишдаги эски чандиқдан қолган ўчоқларнинг деструктив ва дефрагментив ўзгариши. Чандиқланган фиброз тўқимасининг ҳажман зич ва таркибида коллаген толаларнинг хаотик жойлашган ва фрагментацияга учраган мултифокал ўчоқлари аниқланади. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 10х10.**

Бу эса, ўз навбатида, клиник морфологик жиҳатдан, рецидивланган диск чурраси таркибининг асосий морфологик субстрати бу шаклланган ва дағал бириктирувчи тўқималар орасида ўзаро боғлиқликнинг бўлмаслиги, коллаген толали тўрнинг титилиши оқибатида, дирилдоқ модда оралиғига дағал коллаген толалардан тузилган чандиқларнинг интерпозицияси юзага келиши натижасида, дирилдоқ ва унинг атрофида сийрак толали циркуляр фиброз диск компонентларини бўғим юзасидан ташқарига силжишига олиб келади ва клиник морфологик жиҳатдан рецидивланган чурра шаклланади.



4-Расм. **Рецидивланган чурра фиброз тўқимаси таркибида дағал коллаген толаларнинг тўлқинсимон котрактурага учраган ўчоқлари. Айнан мана шу контрактурага учраган толалар оралиғида фрагментация ва дезорганизация ўчоқлари шаклланган. Оралиқ шишлар шаклланган соҳаларда коллаген тола тутамларининг ўзаро коллатерал анастамозлари тўри бузилган ўчоқлари аниқланади. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 10х10.**

Чурра ривожланганда ташқи фиброз ҳалқанинг деярли барча қисми, кўпинча орқа-ён томон қисми кўпроқ зарарланиб, кучли даражадаги деструктив ўзгаришларга учраганлиги кузатилди. Бу деструктив ва яллиғланишли ўзгаришлар қуйидагилардан иборат эканлиги кузатилди: оралиқ модданинг кучли шишга ва миксаматозга учраши, коллаген толаларнинг титилиши ва парчаланиш каби ўзгаришлар билан давом этади. Фиброз ҳалқанинг барча соҳаларида ривожланган ўзгаришлар, оралиқ модданинг кучли шиши ва миксаматози, толаларнинг фрагментацияланиши ва деструкцияланиши, юзага келиши давом этади.



5-Расм. **Рецидивланган чурра фиброз тўқимаси таркибида толаларнинг донадор кўринишдаги титилиши ва фрагментацияси. Бу ўзгаришлар қайталанган диск чурраси таркибидаги морфофункционал эластик толаларнинг оралиғига сийрак толали бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кириши. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 10х10.**

Энг характерли жиҳатлари коллаген толали тутамларнинг титилиши, фасцикуляр мембранани емирилиши, толаларнинг асосан спиралсимон кўринишга келиши билан давом этиши ва оралиқда дистрофик кальциноз

ўчоқларини шаклланиши билан давом этиши аниқланди.

Хулоса. Рецидивланган диск чуррасида асосий ўзгаришлар фиброз ҳалқанинг дезорганизацияси, шиш, мукоид бўкиш, дистрофик ва дегенератив ўзгаришлар, деструктив ўзгаришларнинг ривожланишидан толали тузилмалари дезорганизацияси ва дирилдоқ модда атрофидаги сийрак толали фиброз тўқиманинг силжишига олиб келиши аниқланди. Бу эса, клиник морфологик жиҳатдан рецидивланган диск чуррасы шаклланишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Беляков, В.В. Структурно-функциональные нарушения при рефлекторных и компрессионных спондилогенных синдромах / В.,В Беляков. Автореф. дисс. докт. мед. наук. - М., 2005. - 36 с.

2. Беляков. В. В. Структурно-функциональные нарушения при рефлекторных и компрессионных спондилогенных синдромах //Автореф. дисс. докт. мед. наук. -М. . ,2005. -36 с.

3. Боль: принципы терапии, боль в мануальной медицине / Под ред. Р.Г. Есина. Изд. 2-е, доп. Казань: «Офсетная компания», 2008. -176 с.

4. Бывальцев В.А. Степанов И.А., Бардонова Л.А., Белых Е.Г., Дегенерация межпозвонкового диска и возможности тканевой инженерии: обзор литературы. 2017, 7(3), с 54-58.

5. Бывальцев В.А., Панасенков С.Ю., Цыганов П.Ю., Белых Е.Г., Сороковиков В.А. Наноструктурный анализ поясничных межпозвонковых дисков на разных стадиях дегенеративного процесса. Вопросы нейрохирургии им. Н.Н. Бурденко 2013; 77(3): 36-41.

6. Васильев, А.Ю. Компьютерная томография в диагностике дегенеративных изменений межпозвонковых дисков поясничного отдела позвоночника /А.Ю.Васильев, Н.К.Витько //Радиология практика. - №1. - 2001. - С. 6-16.

7. Васильева, О.В. Клинико-иммунологические соотношения у больных с пояснично-крестцовыми радикулопатиями / О.В. Васильева // Материалы Всероссийского съезда молодых учёных. М. 2006.-С. 50-51.

8. Васильева, О.В. Уровень провоспалительных цитокинов у больных пояснично-крестцовыми радикулопатиями с грыжами межпозвонковых дисков / О.В.Васильева, М.М.Герасимова //IX Всероссийский съезд неврологов: тезисы докладов. Ярославль. 2006. - С. 246.

9. Герасимова, М.М. Цитомедины в комплексной терапии пояснично-крестцовых радикулопатий / М.М. Герасимова // Кортексин пятилетний опыт отечественной неврологии; под ред. А.А.Скоромца, М.М.Дьяконова. - Спб: Наука. 2005. - С. 156-167.

10. Гусев, Е.И. Пластичность нервной системы / Е.И. Гусев, П.Р. Камчатнов // Журнал неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова. - 2004. №3. С. 73-79.

11. Дривотинов, Б.В. Мануальная терапия при неврологических проявлениях поясничного остеохондроза (литературное обозрение) / Б.В. Дривотинов, Д.С. Бань // Медицинский журнал. 2006. -№1. - С. 19-22.

12. Заборовский Н.С. Эмбриогенез и развитие позвоночника, Journal Specialties, Blogger, 2016, с 145-152

13. Зиняков Н.Т., Зиняков Н. Н. К вопросу о классификации и терминологии грыж межпозвонковых дисков //Мануальная терапия 2007. - №3(27). -С. 22-28.

14. Коло Т., Верейен М. Практическое пособие по остеопати-ческим манипуляциям / Т. Коло, М. Верейен. 2003. 199 с.

15. Коршунова, Е.Ю. Цитокиновый профиль у больных с рубцово-спаечными эпидуритами / Е.Ю. Коршунова, Л.А. Дмитриева, Сороковиков, З.В. Кошкарева, О.В. Скляренко // Неврологический вестник. 2009. - Т. XLI. - Вып. 2. - С. 29-33.

16. Кукушкин, М.JL Неврогенные болевые синдромы. По материалам, опубликованным в «Европейском журнале боли» (European journal of Pain) в 2002 г. / М.JI. Кукушкин // Боль. 2003 в. - №1 (1). С. 69-71.

17. Лучевая анатомия человека / Под ред. Т.Н.Трофимовой -СПб.: «Издательский дом СПбМАПО», 2005. 496 с.

18. Малков, С.С. Диагностические тесты и техники мобилизации тазобедренного сустава / С.С. Малков, Д.Е. Мохов, С.В.Новосельцев // Мануальная терапия. 2009. - № 3 (35). - С. 92 -102.